



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 23 сентябрь, № 196 (9091)


Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирлари доирасида бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар етакчиларини қабул қилди.



Earlier this month I spoke with the Highly Respected President of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev. Today I want to congratulate President Mirziyoyev on signing a GREAT Deal with Boeing! Worth over \$8 Billion Dollars, Uzbekistan Airways is purchasing 22,787 Dreamliners. This will create over 35,000 jobs in the United States. President Mirziyoyev is a man of his word, and we will continue to work together on many more items! Thank you for your attention to this matter.

1.2k ReTruths 4.85k Likes 9/22/25, 6:29 PM

АҚШ Президенти
Дональд Трамп
«Truth Social» ижтимоий
тармоғидаги саҳифасида
қуйидаги постни
ёзиб қолдирди:

«Шу ой бошида мен Ўзбекистон Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёев билан суҳбатлашган эдим. Бугун мен Президент Мирзиёевни «Boeing» билан УЛКАН битим имзолагани билан табриклайман! «Uzbekistan Airways» 8 миллиард доллардан ортиқ маблағ эвазига 22 та «787 Dreamliner» самолётини харид қилади. Бу Қўшма Штатларда 35 000 дан ортиқ иш ўринларини яратади. Президент Мирзиёев — бир сўзли инсон ва биз бошқа қўлаб масалалар устида биргаликда ишлашда давом этамиз! Бу масалага эътиборингиз учун ташаккур».



Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристалина Георгиева билан учрашувда ушбу нуфузли глобал тузилма билан шерикликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

ХВЖ раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишларга юксак баҳо бериб, ортга қайтмас ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Жамғарма билан макроиктисодий сиёсат, бюджет ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш соҳаларида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мутахассисларимиз ХВЖ марказларида мунтазам равишда малака ошириш дастурларидан ўтмоқда. Жорий йилда мамлакатимиз молия соҳасининг бар-

қарорлиги биргаликда баҳоланди ва «Йўл харитаси» қабул қилинди.

Учрашув давомидида пул-кредит ва фискал сиёсатни ривожлантириш, статистика тизимини трансформация қилиш бўйича жамғарманинг экспертлик кўмагини давом эттириш, шунингдек, иқтисодий идоралар ходимлари учун ўқув дастурларини кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувда «Traxys» компанияси директорлар кенгаши раиси Алан Доктер, Колорадо геология мактаби вице-президенти Жон Бредфорд, «FLSmidth» компанияси катта вице-президенти Питер Фланаган, «McKinsey» компаниясининг катта ҳамкори ва Марказий Осиё бўйи-

ча офиси раҳбари Ермолай Солженцин ва «Go Green Partners» компанияси бош директори Михаил Седой қатнашди.

АҚШнинг ушбу етакчи компания ва ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

«Traxys» муҳим хомашё ва минераллар, шу жумладан, энергетик ўтиш учун зарур бўлган хомашё ва минералларни етказиб бериш бўйича жаҳон етакчиларидан бири ҳисобланади. Компания билан биргаликда геология-қидирув ва конларни ўзлаштириш соҳасида 1 миллиард долларлик инвестиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилган. Муҳим минералларни қазиб олиш, қайта ишлаш

ва барқарор етказиб бериш занжирларини яратиш соҳасида илғор технологиялар ва билимларни жорий этиш бўйича битим ва «Йўл харитаси» қабул қилинди.

Колорадо кончилик мактаби тоғ-кон саноати учун мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи муҳандислик университетида.

Ушбу таълим муассасаси билан Ўзбекистон геология фанлари университети қошида Компетенциялар марказини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

«FLSmidth» тоғ-кон ва бойитиш саноати учун технологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Компания мамлакатимиз мис саноатини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

«McKinsey» тоғ-кон саноати корхоналарини бошқариш, консалтинг ва стратегик ривожлантириш соҳасида илғор компания ҳисобланади. Компания билан биргаликда мамлакатимиз хомашё базасини ривожлантириш, тоғ-кон саноати қувватларини кенгайтириш ва уни чуқур трансформация қилиш стратегияси тайёрланди.

«Go Green Partners» «яшил» энергетика учун муҳим минералларни қазиб олиш ва қайта ишлашга сармоя киритишга ихтисослашган. Компания истиқболли майдонларда геологик қидирув ишларини олиб боришни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
22 сентябрь куни Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош туркман халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Фаол сиёсий мулоқот ва самарали идоралараро алоқалар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат ва энергетикада кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Шовот — Тошовуз» савдо зонаси қурилиши якунланмоқда. Ўзбекистонда Худудлар форуми, кўргазма, Туркменистон мадани-

яти ва киноси кунларини ўтказиш режалаштирилган.

Минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот сўнггида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти ва халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан самимий табриклади.

Ў.А.

ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЎРНИ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенатида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева бошқарди.

Йиғилишда мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар натижасида қатор

халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланганлиги таъкидланди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида «S&P», «Fitch» ва «Moody's» халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинг кутилмаси илк бор «барқарор»-дан «ижобий»га оширилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Мазкур компанияларнинг умумий капиталлашуви 20 миллиард доллардан ошади.

Лойihalарни жадаллаштириш ва янги таклифлар тайёрлаш мақсадида қўшма ишчи гуруҳ тузиш ва “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Нью-Йорк шахрига амалий таширининг ишбилармонлик дастури доирасида “Blackrock” инвестиция компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесини қабул қилди.

“Blackrock” — Американинг активлар ва фондларни бошқариш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган йирик инвестиция компанияси. Унинг активлари 11 триллион доллардан ошади. АҚШнинг етакчи компанияси билан стратегик шериклики, энг аввало, энергетика, транспорт ва сув инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қўшма фонд ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди. Тез фурсатда Платформа концепцияси келишилади ва қўшма лойihalарни амалга ошириш бошланади.

Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ажай Бангани банк фаолиятидаги ривожланётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлашга қаратилган муваффақиятли ислохотлар билан табриклади.

Ўз навбатида, Жаҳон банки раҳбари мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар натижаларини юқори баҳолади.

Жаҳон банки гуруҳи билан стратегик шериклики янада кенгайтиришининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ушбу глобал молиявий институт билан, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар доирасидаги устувор дастур ва лойihalарни қўллаб-қувватлаш ва илгари суришда ҳамкорликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатимиз банкнинг Европа ва Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкорларидан биридир. Қўшма лойihalар портфели 14 миллиард доллардан ошди. Тошкентда Жаҳон банкининг минтақавий офиси очилди. Яқинда Наманган шахрида ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми якунлари юксак баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари амалдаги Шериклик дастурида асосий эътиборни барқарор ўсишни таъминлашга, лойihalарни жадал, сифатли ва самарали амалга оширишга қаратиш муҳим эканини таъкидлади.

Камбағалликка қарши курашиш, хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратиш, янги “Намунали маҳалла” модели асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмаси, хусусий сектор лойihalарини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, давлат активларини хусусийлаштириш масалаларида экспертлик кўмаги, иқти-

содиётни карбонсизлаштириш ва молия соҳасини трансформация қилиш стратегиясини амалга ошириш каби йўналишлар устувор этиб белгиланди.

Банк Марказий Осиё минтақасидаги стратегик инфратузилмавий лойihalарни илгари суришда иштирок этиши муҳимлиги қайд этилди.

АҚШнинг энг йирик молиявий корпорацияси — “Citigroup” раиси Жон Дуган билан учрашувда корпорация билан ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

“Citigroup” банк инвестиция ва молия хизматларини кўрсатишга ихтисослашган. Унинг бозор капиталлашуви 100 миллиард доллардан ортиқни ташкил этади, компания умумий қиймати 2,3 триллион доллардан зиёд бўлган активларни бошқаради.

“Citigroup” кўмағида Ўзбекистон банклари ва давлат корхоналарининг облигациялари халқаро фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилди. Тошкентда компаниянинг офиси очилди.

Йирик давлат корхоналари бўйича IPO битимларини тайёрлаш ва тузиш, еврооблигациялар чиқариш, мамлакат рейтингини оширишни таъминлаш учун маслаҳат ёрдами-ни кўрсатиш, шунингдек, молиявий ечимларни ишлаб чиқиш ва савдо-ни молиялаштиришнинг янги воситаларини ишга тушириш бора-сида ҳамкорликини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Корпорация билан ўзаро манфаатли шерикликини кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

“Franklin Templeton” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Женни Жонсон билан учрашувда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини тубдан ривожлантириш мақсадида компания билан стратегик шериклики янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. “Franklin Templeton” активларни бошқариш ва инвестиция хизматларини кўрсатиш бўйича дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Дунёнинг 30 мамлакатига 100 дан ортиқ ваколатхоналари мавжуд. Компаниянинг бозор капиталлашуви 12 миллиард доллардан ошади. Қиймати 1,6 триллион доллардан зиёд активларни бошқаради.

“Franklin Templeton” билан қўшма инвестиция фонди ташкил этилиб, давлатнинг стратегик корхоналарини трансформация қилиш ва уларнинг акцияларини глобал фонд бозорларида жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилмақда.

Тошкент фонд биржаси салоҳиятини ривожлантириш бўйича унинг мустақиллиги ва шаффофлигини мустаҳкамлаш, фонд бозорида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш, йирик халқаро депозит банкларини жалб қилиш ва рақамли платформаларни жорий этишни назарда тутувчи экспортлик кўмагини кўрсатиш юзасидан келишувга эришилди.

Йирик давлат корхоналари самардорлигини ошириш ва уларни IPOга чиқариш дастурларини амал-

га оширишдан манфаатдорлик билдирилди.

Шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш, “ашил” иқтисодиёт стандартларини жорий этиш ва самардорликни оширишга эътибор қаратган ҳолда давлат корхоналарини трансформация қилиш учун компаниянинг тажрибаси жалб этилади.

Жорий йил октябрь ойида Тошкент шахрида бўлиб ўтадиган Инвесторлар кунига биргаликда пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “BNY” компанияси бош тижорат директори Катинка Вальстром билан учрашув ўтказди. “BNY” — активларни бошқариш, қимматли қозғоларни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, давлат ва хусусий молиялаштириш каби кенг турдаги молиявий хизматларни тақдим этувчи Американинг етакчи банк-инвестиция гуруҳидир.

Банкинг Ўзбекистон йирик корхоналарининг еврооблигацияларини чиқариш ва жойлаштиришга кўмаклашиш, шунингдек, Ўзбекистон банк-молия секторини ривожлантириш бора-сида режалари қўллаб-қувватланди.

Ишбилармонлик дастури доирасида давлатимиз раҳбари “Jefferies” компанияси раҳбари Брайан Фридман билан учрашди.

“Jefferies” АҚШнинг етакчи мустақил инвестиция компанияларидан бири ҳисобланиб, унинг активлари қарийб 65 миллиард долларни ташкил этади.

Мазкур компания Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасини ривожлантириш ва унинг активларини IPO орқали реализация қилиш учун стратегик инвесторларни жалб этишда иштирок этади.

“NASDAQ” фонд биржаси раиси Адена Фридман билан учрашувда Тошкент фонд биржасини модернизация қилиш, давлат облигациялари савдоси учун яхлит инфратузилма яратиш режалари кўриб чиқилди.

“NASDAQ” — 30 триллион доллардан ортиқ активларни бошқарувчи дунёдаги етакчи молия бозори операторларидан бири.

“Oppenheimer Holdings” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Роберт Ловентал билан учрашувда компаниянинг Ўзбекистонда хусусий бизнес лойihalарини ривожлантириш ва евробондлар чиқаришга қўшаётган ҳиссаси қайд этилди. Хусусий секторни молиялаштириш дастурларини кенгайтириш режалари қўллаб-қувватланди.

“Oppenheimer” — Американинг мустақил инвестиция банки бўлиб, дунё миқёсида инвестиция ва банк хизматлари, молиявий маслаҳат, капитал бозорлари ва активларни бошқариш хизматларини тақдим этади.

“Boeing Global” компанияси президенти Брендан Нельсон билан учрашувда Ўзбекистон ушбу компаниянинг кўп йиллик стратегик ҳамкори экани мамнуният билан қайд этилди.

Бу галги таширф чоғида имзоланган “Boeing” самолётларини етказиб бериш бўйича янги шартнома ва узоқ муддатли ҳамкорлик тўғри-

сидаги битимларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

“Boeing” — дунёдаги энг йирик авиация ва космик техника ишлаб чиқарувчилардан бири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шахрига таширфининг ишбилармонлик дастури доирасида АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция жамғармалари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Гор, глобал шерикликлар бўйича махсус вакили Паоло Замполли, савдо вазири ўринбосари Уильям Киммитт, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, “Franklin Templeton”, “Citigroup”, “BNY Mellon”, “NASDAQ”, “Boeing”, “Mastercard”, “Visa”, “General Motors”, “Nvidia”, “Oppenheimer”, “Jefferies”, “Air Products”, “Traxys”, “FLSmith”, “GoGreen Partners”, “Cleveland Clinic”, “Cargill” каби компанияларнинг топ-менежерлари ҳамда Ўзбекистоннинг йирик компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг авалида АҚШ Президенти Дональд Трамп билан яқинда бўлиб ўтган мулоқотда иқтисодий ҳамкорликини кенгайтириш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган салмоқли лойihalар портфелини шакллантиришга келишиб олинганини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан мазкур учрашув ушбу вази-фаларни илгари суришда алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва АҚШнинг кўп қиррали ҳамкорлиги юксак даражага кўтарилди. Товар айирбошлаш ҳажми 8 йилда 4 баробар ошди. АҚШнинг 300 дан ортиқ компаниялари Ўзбекистонга сармоа киритди.

“Franklin Templeton” билан биргаликда Миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилди.

Муҳим минералларни қайта ишлаш ва барқарор етказиб бериш занжирларини шакллантириш, АТ, сунъий интеллект, рақамлаштириш, транспорт, энергетика ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, “ақли” қишлоқ хўжалиги, илғор технологияларни жорий қилиш ва қўллаб бошқа соҳаларда аниқ лойihalарни илгари суриш иқтисодий ва инновацион шериклигининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Ўз навбатида, АҚШнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари, инвестиция фонлари ва молия институтлари раҳбарлари билан ўтказилган давра суҳбатидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президентининг махсус вакили Сержио Гор ҳузурида икки томонлама би-

тимларни алмашиш маросими бўлди.

Хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик лойihalарини амалга ошириш бўйича қуйидаги ҳужжатлар имзоланган:

- Транспорт вазирилиги ва “Boeing” компанияси ўртасида транспорт соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисида битим;
- “Технопарк” МЧЖ ва “FLSmith” компанияси ўртасида тоғ-кон ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида битим;
- “Akfa group” ва “Cleveland Clinic” ўртасида кўп тармоқли клиника ва таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида битим;
- “Centrum Air” авиакомпанияси ва “Oppenheimer” инвестиция компанияси ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Иқтисодиёт ва молия вазири-лиги ва “Citigroup” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Cargill Financial Services International” компанияси ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида битим;
- “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Pangea Filtration Technology” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

- Тоғ-кон саноати ва геология вазирилиги ҳамда “Cove Capital” компанияси ўртасида истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида битим;
- “Янги Кон” МЧЖ ва “SLB” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан “Biologic International” компанияси ўртасида сунъий интеллект ва биотехнологиялар соҳасидаги лойihalарни молиялаштириш учун жамғармалар ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Горни қабул қилди. Учрашув аввалида Сержио Гор АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий саломини етказди. Жорий йил 5 сентябрь куни икки мамлакат етакчиларининг телефон орқали мулоқотида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳоама қилинди.

Жадал сиёсий мулоқот, турли даражадаги делегациялар алмашину-ви ҳамда ишбилармонлик алоқалари суръати ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу кунларда Нью-Йорк шахрида АҚШнинг етакчи компаниялари билан қўллаб самарали учрашув ва тадбирлар ўтказилди. Фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, молия ва инновациялар, кимё, энергетика ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 100 миллиард доллардан зиёд бўлган шартномалар ва истиқболли лойihalар портфели шакллантирилди.

Янги лойihalарни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун АҚШ

Эксимбанки ва “DFC” жамғармаси имкониётларидан фойдаланиш, уларни амалга оширишни жадаллаштириш учун қўшма Мувофиқлаштирувчи қўмита таъсис этиш муҳимлиги қайд этилди.

Хавфсизлик, терроризм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши борасидаги амалий ҳамкорлики мустаҳкамлашнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди. Ушбу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар билан музокаралар суръати мамнуният билан қайд этилди.

ЖСТ меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ миллий қонунчиликни, шу жумладан, техник жиҳатдан тартибга солиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмақда.

Жорий йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Ишчи гуруҳининг навбатдаги ййгилиши натижадорлигини таъминлаш, шунингдек, 2026 йилда музокаралар якунланиши ва мамлакатимиз ташкилотга қўшилиши муҳим экани таъкидланди.

“Air Products” компанияси бош ижрочи директори Эдуардо Менезес билан учрашувда. Ўзбекистонда юқори технологик саноат корхоналарини ташкил этишга фаол сармоя киритаётган етакчи халқаро компаниялардан бири билан ўзаро манфаатли ҳамкорликини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

“Air Products” саноат газларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашган. Компаниянинг бозор капиталлашуви 63 миллиард доллардан кўп. Ҳар йили дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида 200 миллион тонна саноат газларини ишлаб чиқаради ҳамда 750 га яқин ишлаб чиқариш объектларини бошқаради.

Айни пайтда компаниянинг мамлакатимизга инвестициялари 1 миллиард доллардан ошди. “GTL” заводига саноат газларини қайта ишлаш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида водород, “Навоийазот”да суюқ карбонат газларини ишлаб чиқариш, Шокили музлатиш марказини ташкил этиш каби лойihalар амалга оширилди.

Бухорода газ-кимё жаммуасини барпо этиш, кўмирни жаллаштириш, экологик тоза авиация ёнилғиси ишлаб чиқариш лойihalарини жадаллаштириш бўйича келишувларга эришилди.

Учрашув якунида кооперация лойihalарини илгари суриш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга ахдлашилди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий таширфи давом этмоқда.

Ў.А.

БОҚИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР ЭЪТИРОФИ

19 — 21 сентябрь кунлари Фарғона вилоятининг Қўқон шахрида III халқаро хунармандчилик фестивали ҳамда Риштон туманида II халқаро кулолчилик форуми бўлиб ўтди.

Қўқон шахридаги тадбирларда дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан қарийб 300 нафар хунармандлар, олимлар, соҳа мутахассислари иштирок этган бўлса, Риштондаги форумда 26 та давлатдан келган 100 дан зиёд кулоллар ҳамда маҳаллий усталар ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Анжуман

Ҳар икки тадбир ҳам турли маънавий-маърифий, илмий, бадий дастурларга бой тарзда ўтказилиб, иштирокчиларга олам-олам завқ, унутилмас таассуротлар улашди.

Нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё кулолчилик маркази сифатида машҳур бўлган Риштонга “Жаҳон хунармандлари шахри” деган юксак мақом берилгани форумнинг муҳим воқеалиги бўлди.

Маълумки, Жаҳон хунармандлари кенгаши қарори билан ўтган йилларда вилоятнинг Қўқон, Марғилон каби қўхна шаҳарлари “Жаҳон хунармандлари шахри” мақомига сазовор бўлган эди. Риштонга ҳам шундай мақом берилиши асрлар мобайнида авлоддан-авлодга безавол ўтиб келаётган

боқий анъана ва қадриятларимизнинг юксак эътирофидир.

Яқин йилларда Риштон туманида Халқаро кулолчилик маркази барпо этилди. Ҳозирги кунда туманда 40 мингга яқин ёшлар кулолчилик хунарини ўрганиб келмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми ва Ўзбекистон халқ устаси умволига эга бўлган Иброҳимжон Комилов, Ўзбекистон халқ рассоми Бобожон Нишонов, Ўзбекистон санъат арбоби Шарофиддин Юсупов каби моҳир кулолларнинг издошлари Риштон ва унинг атрофидаги қишлоқларда анъанавий кулолчилик ривож учун самарали меҳнат қилмоқда.

Рустам Усмонов, Алишер Назиров, Шокиржон Аҳмаджонов, Равшанжон Тожиддинов, Тоҳир Хайдаров каби усталарнинг маҳсулотлари халқаро кўргазма пештахтала-

рида рангин жилолари, бетакорр безаклари билан барчани ўзига маҳлиё этмоқда. Кулолчилик яхши ривожланган Италия, Туркия, Япония, Озарбайжон каби ўнга яқин давлатлар билан Риштон тумани ўртасида фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Ҳар икки тадбир — III халқаро хунармандчилик фестивали ва II халқаро кулолчилик форуми якунида тақдирлаш маросими, концерт дастури ташкил этилиб, голиблар ва фаол катнашчилар муносиб рағбатлантирилди.

— Президентимизнинг фестивал ва форум катнашчиларига йўллаган табриги барчамизга ўзига қувонч бахш этди, — дейди “Энг яхши кулол” номинацияси голиби Исмоилжон Комилов. — Бундан буюн ҳам янада ғайрат-шижоат билан ишлаб, авлодлардан мерос хунарни бутун дунёга кенг тарғиб қилишда давом этамиз.

Айтиш жоизки, санъат байрами кунлари Қўқон шахридаги “Буюк алломалар” музейининг кўргазмалар зали ҳамда Риштон анъанавий кулолчилик тарихи музейи тантанали равишда ўз фаолиятини бошлади.

Сўз — фестиваль ва форум иштирокчиларига

Мирзаюнус УМАРОВ, қўқонлик ўймакор уста:



— Бобом Қодиржон Ҳайдаров Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби асосчиларидан бири бўлган, бугунги кунда биз, сулола вақиллари ушбу хунарни давом эттириб келмоқдамиз.



Мурфиддин БУКИРИДИНОВ, қирғизистонлик хунарманд:


— Кўп йиллардан буюн Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби анъаналари бўйича ишлайман. Қадриятларимиз ўхшаш бўлгани учун қирғиз ёшлари ўртасида бу хунарга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Бу галги фестивалда ҳам бир гуруҳ шоғирдларим билан катнашиб, турли янги маҳсулотларимизни олиб келдик. Безакли қутчалар, эсдалик буюмлар, оддий

Захро АСЛАНИ, эронлик кулол:

— Риштонда ўтказилган II халқаро кулолчилик форумида ҳам бир гуруҳ ҳамюртларимиз билан иштирок этгандик. Ўтган даврда мафтункор диёрингизда ҳай берган ўзгаришлардан юз беришимиз чексиз.

Ўтган сафар келганимизда Ўзбекистон ва Россия кулоллари билан ҳамкорликини йўлга қўйган эдик. Айниқса, Риштон кулолчилиги анъаналари бизнинг услубга жуда ўхшаш экан. Иш услуби, дирийай, нақш ва бошқа безаклар бир-бирига яқин. Мен, асосан, оқ лой ва қўлда



бошқариладиган оддий жиҳоздан фойдаланиб, ранг-баранг маҳсулотлар тайёрлайман. И халқаро кулолчилик форуми ўзига хос иқодий мулоқотлар майдони бўлди — Ўзаро тажриба алмашдик. Форум якунида “Энг моҳир кулол аёл” номинациясида голиб бўлганимдан жуда мамнунман.

ёғочдан ишланган натюрморт маҳсулотларини сайёҳлар зўр иштиёқ билан харид қилишди.

Фестиваль якунида “Энг яхши хунарманд” номинациясида фахрли ўчинчи ўринни эгалладим. Бундан бешад мамнун бўлдик. Ишонамизки, бу каби юзма-юз мулоқотлар муштарак мақсад йўлидаги сый-ҳаракатларимизни ўзаро уйғунлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Дунё миқёсидаги рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрни мустаҳкамланмоқда



Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 9 поғонага кўтарилиб, 184 та мамлакат орасида 100-ўринни эгаллаган бўлса, Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида 19 поғонага юқорилаб, 167 та давлат орасида 62-ўринни банд қилди.

Шунингдек, Глобал инновация индексида Ўзбекистон ўз кўрсаткичларини 4 поғонага яхшилаб, 139 та давлат орасида 79-ўринга кўтарилди ва Марказий Осиёда 1-ўринга чиқди.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, янги устувор халқ-

аро рейтинглар билан ишлаш ҳақида сўз борди.

Жумладан, Саёҳат ва туризм-ни ривожлантириш индекси, Глобал гендер тафовути индекси ҳамда Ижтимоий тараққиёт индексидаги Ўзбекистоннинг ўрни муҳокама қилиниб, уларни мамлакатимиз учун устувор этиб белгилаш таклифи илгари сурилди.

Бундан ташқари, йиғилишда Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2024 йил натижалари муҳокама қилинди. Унга кўра, энг юқори кўрсаткич Фарғона вилоятида (79 балл), энг куйи кўрсаткич Тошкент вилоятида (63,1 балл)

қайд этилган. Йўналишлар кесимида эса “Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши” (-3 балл) ҳамда “Одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши” (-2 балл) индикаторларида натижалар пасайган.

Шунингдек, йиғилишда 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга қаратилган амалий чора-тадбирлар дастурларининг биринчи ярим йилликдаги ижро ҳолати кўриб чиқилди.

Йиғилишда Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида пасайиш кузатилган, ўзгаришсиз қолган ҳамда маълумот мавжуд бўлмаган таркибий индикаторларда Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилаш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) лойиҳаси ҳам муҳокама этилиб, Республика кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Хоразм вилоятининг Хонқа тумани маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Сенатор ва ҳаёт

Дастлаб сенатор Хонқа шаҳарчасида қурилиши давом этаётган туман тиббиёт бirlашмаси биноси ҳолати билан танишди. Қурилиш жараёнининг бориши, ишларнинг сифат даражаси ва лойиҳа самарадорлиги атрофлича муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Аҳиллик маҳалласида фуқаролар, “маҳалла еттилиги” билан учрашув ташкил этилди. Афсона ва Чегарачи кўчаларини асфальтлаш масаласи кўтарилдиб, аҳоли таклифлари эшитилди.

Авария ҳолатида экани сабаб Санитария-эпидемиология хизмати томонидан ёпилган Дургадлик маҳалласида жойлашган 49-мактабгача таълим ташки-

лоти масаласи жойига чиқиб ўрганилди. Аҳоли вакиллари билан суҳбат давомида бочгани янгидадан қуриш зарурати хусусида сўз борди.

Шунингдек, шу ҳудуддаги 18-умумтаълим мактабида ўқув жараёни ва мавжуд шарт-шароитлар ўрганилди. Ўқитувчилар жамоаси билан ўтказилган очиқ мулоқотда таълим сифатини оширишга доир таклиф ва мулоҳазалар тингланди.

Қоракўш қишлоғидаги 1-мактабда ҳам фуқаролар билан учрашув ўтказилиб, қўшимча бино қурилиши юзасидан тушунтиришлар берилди.

Истиқлол ва Эҳтиром маҳаллаларида “маҳалла еттилиги”

билан учрашувлар ўтказилиб, ҳудуд ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма, ички йўллар, муҳандислик-коммуникация тизимлари бўйича долзарб масалалар борасида фикрлашилди.

Шунингдек, Хонқа шаҳарчасидаги стадион ва спорт майдонларининг ҳолати ҳам ўрганилиб, иншоотларнинг таъмирталаблиги, спортчилар учун яратилган шароитларнинг талабга жавоб бермаслиги аниқланди.

Ташриф давомида Ҳожихон Болтаев номидаги тарихий музей фаолияти, мавжуд шароитлар ва экспонатларнинг сақланиш ҳолати ҳам кўздан кечирилди. Музей фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилди.

Учрашувлар якунида аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

«Халқ сўзи».

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – ЭЪТИБОРДА

Маҳаллалар ва ижтимоий соҳа объектларида жорий йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳолати сенаторлар томонидан ўрганиб боришмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Нусуратулла Пардаев Зомин туманида бўлиб, қўп қаватли уйларнинг қиш мавсумига тайёргарлиги билан қизиқди.

Ҳозирги кунда “Халқобод” ва “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган қўп қаватли уйларнинг иситиш тизимлари яна бир қарра текширувдан ўтказилмоқда. Уйларнинг фасад қисмига базальт қопламаси ўрнатилди. Мухандислик-коммуникация инфра-тузилмасини созлаш ва умумий таъмирлаш жараёнлари якунланиш арафасида.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастури доирасида 612 хонадондан иборат 35 та қўп қаватли уй-жойни таъмирлаш ва ободонлаштириш режалаштирилган бўлиб, ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Зомин тумани Кенгаши депутатлари жойларга чиқиб бажарилаётган ишларнинг сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзаро суҳбатлар, учрашувлар чоғида сенатор бугун иш сифати нечоғлиқ юқори бўлса, эртага муаммо туғилмаслигини таъкидлаб, қишга тайёргарлигини режадаги каби яқун топиши аҳоли хотиржамлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади. Мухими, бу йўналишда сохталик ва кўзбўямачиликка йўл қўйилмаслигига эришиш зарурлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳада “автомобиль йўллари режалаштириш” механизмининг жорий этиш, йўл инфратузилмасини аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос равишда ривожлантириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, йўллари лойиҳалаштиришда аҳоли фикри ва атроф-муҳитга таъсирини инобатга олиш ҳамда пёйдалар учун тўсиқсиз муҳитни яратиш бўйича қатъий талаблар ўрнатилади.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар инобатга олингани ва ҳужжат матни тақомилга етказилганини айтиб ўтди. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгар-

лик тўғрисидаги кодекснинг 175^м-моддасига комплекс экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган давлат харидларини амалга ошириш бўйича тўғридан-тўғри шартномаларни комплекс экспертизадан ўтказишни таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлиқни белгилашга қаратилган қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзоси Дилмурод Артиқов, Маъруфжон Раҳмонов ва Наргиза Саломова қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирар экан, у билан белгиланаётган нормалар давлат харидларини амалга ошириш жараёнида шафдофлик ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назоратига оид масалалар кўриб чиқилди.

“Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида сўзга чиққан фракция аъзоси Гўзал Самиеваннинг таъкидлашча, ушбу ҳужжат билан йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми яратилмоқда. Чўнки ушбу йўналишда амалга оширилаётган

комплекс чора-тадбирлар экспертлар томонидан батафсил ўрганилганда, автомобиль йўлларини меёрий тартибга солишда бир қатор масалалар мавжудлиги аниқланган.

Йиғилишда қонун лойиҳаси билан пуллик йўллар тармоғини барпо этишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилаётгани айтилди. Жумладан, пуллик автомобиль йўллари қуришга фақат муқобил бепул ҳаракатланиш йўли мавжуд бўлгандагина руҳсат берилиши таклиф қилинмоқда.

Шу билан бирга, пуллик автомобиль йўлидан ҳаракатланиш учун тўлов миқдори автомобиль йўллари фойдаланувчиларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари қаноатлантирилишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган бўлиши лозимлиги назарда тутилди.

Фракция йиғилишида қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар йўл сифатини яхшилаш орқали мавжуд автомобиль йўллари тармоғини узоқ вақтгача соз ҳолда сақлаб туриш, пуллик йўллар тармоғини барпо қилиш, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Кўриб чиқилган барча масалалар фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасида болаларни

тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, тарбия ва таълим бериш жараёнида уларга нисбатан зуравонлик ҳолатларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, нотариуслар зиммасига болани фарзандликка, васийликка ёки ҳомийликка бериш (олиш) ҳақида аризадаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш бўйича муружаат қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этиб бориш мажбурияти юклатилди.

Зиммасига юклатилган мажбуриятнинг лозим даражада бажарилгани учун васийлик, ҳомийлик ёки тутинган ота-оналик вазифаларини бажаришдан чет-латирилган шахсларга болалар фарзандликка берилмаслиги ва улар васий ёки ҳомий этиб тайинланмаслиги назарда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Муҳаммадjon Валиев, Зўҳриддин Мавлонов ва бошқалар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган барча таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ақсарияти ҳужжат матнида акс эттирилганини айтишди.

Мазкур ҳужжат болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя этиши, уларнинг оила муҳитида тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши эътиборга олиниб, у қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизи-

ми тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Унда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг оила муҳитида тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш тизимини янада тақомиллаштириш масалалари акс этмоқда.

Хусусан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш ёки тутинган ота-она бўлиш истagini билдирган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлиши кераклиги белгиланган бўлимоқда.

Шунингдек, олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи марта давлат фуқаролик хизматига қираётган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар давлат фуқаролик хизматига танловсиз, тайинлаш орқали қабул қилиниши назарда тутилди.

Йиғилишда фракция аъзолари кун тартибидagi ҳар бир масалани атрофлича муҳокамадан ўтказиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Якунда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Аҳолини шовқиннинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси

аҳолини шовқин таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

У билан фуқароларнинг тинчлиги ва яхши дам олишини таъминлаш мақсадида тураржойлар, жамоат бинолари, аҳоли яшаш ҳудудлари ва дам олиш зоналарида, дам олиш ва қонун билан белгиланган байрам кунларида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси ҳамда вақт оралиғи аниқ белгиланмоқда.

Шунингдек, аҳолини шовқиннинг зарари таъсиридан ҳимоя қилувчи давлат органларининг ваколат ва вазифалари белгиланган бўлимоқда. Шовқинга қарши кураш талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари қўйиштирилиши назарда тутилмоқда.

Йиғилишда Энергетика вазирига “Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, шу жумладан, қуёш панелларини ўрнатиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сўровда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, қурилмалар (қуёш панеллари, сув иситиш коллекторлари, шамол генераторлари)ни ишлаб чиқариш ва аҳолига қулай нархларда етказиб бериш чора-тадбирлари юзасидан батафсил маълумот тақдим этиш масалалари кўтарилган.

Фракция аъзолари йиғилишда қўрилган масалаларни қўллаб-қувватлади.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ажралмас қисми сифатида миллий ва минтақавий манфаатларимизни жаҳон майдонида илгари суришининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Нью-Йорк шаҳрида бўлиб турибди. Мазкур сессия “Биргаликда — янада яхши: 80 йил ва ундан кейин тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари учун” деган рамзий шиор остида бўлиб ўтмоқда.

Ҳамкорликнинг кейинги уч йилдаги натижаларига эътибор қаратсак, Ўзбекистон БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС, 2025 — 2027), ХМТ бошқарув органи (2024 — 2027), Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (2025 — 2028), БМТ Статистик комиссияси (2026 — 2029) ва ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасига аъзо бўлгани эътиборга моликдир.

Асосийси, Ўзбекистоннинг кейинги бир неча йилларда БМТ Бош Ассамблеяси минбарларида янграган ташаббуси асосида 2018 — 2025 йилларда 13 та резолюция қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари БМТ сессияларида қатнашиб, уларда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризм, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари бир қатор соҳаларга тааллуқли масалаларни илгари сурди. Шунингдек, глобал бошқарувни ислоҳ қилиш, денгизга чиқиш имконияти чекланган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш ва Марказий Осиёни тинчлик ҳамда ҳамкорлик макони сифатида мустаҳкамлаш маса-

лаларининг фаол ташаббускори сифатида майдонга чиқди.

Умуман, мамлакатимиз ва БМТ ўртасида ўтган йиллардаги ҳамкорлик муносабатлари муҳим воқеаларга бой бўлди ҳамда барча йўналишда ўзига хос тарзда динамик ривожланиб бораётгани билан аҳамиятлidir. Ўзбекистоннинг таклифлари ялпи хавфсизлик ва тинчлик, барқарор тараққиёт ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришишни таъминлаш ишига улкан амалий ҳисса бўлиб қўшилмоқда, энг асосийси, Ўзбекистоннинг халқаро гоғлар ташаббускори сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб, глобал ечимларнинг фаол ташаббускорларидан бирига айланди.

Бош Ассамблеянинг бўлиб ўтаётган маъмур сессиясида глобал архитектурани ислоҳ қилишга қаратилган ташаббуслар, хавфсизлик, барқарорлиқни таъминлаш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, БМТ тизими ва халқаро молия архитектурасини ислоҳ қилиш, иқлим ўзгариши оқибатлари, бошқа замонавий хатарларга қарши курашиш, ривожланаётган мамлакатлар ролини кучайтириш, сўнъий интел-



лект ва рақамли технологияларни бошқариш сингари долзарб масалалар кўриб чиқилади.

Эътиборли томони, ташриф дастурининг ишбилармонлик қисмидан АҚШнинг етакчи компаниялари, молиявий-инвестиция тузилмалари иштирокида учрашув ва тадбирлар ўрин олган бўлиб, янги келишув ҳамда шартномалар тўплами имзоланиши халқаро майдонда барқарор тараққиёт сари муҳим ҳамкорликнинг бевосита давоми бўлади. Ўзбекистоннинг халқаро гоғлар ташаббускори сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси аъзоси.

Ўзбекистон ва БМТ: МУЛОҚОТДАН — АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрди. Айни пайтда ушбу ташриф мамлакатнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, глобал институтлар тизимидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва миллий ташаббусларни жаҳон ҳамжамияти даражасида илгари суриш йўлидаги муҳим босқич сифатида баҳоланмоқда.

Қайд этиш керак, Ўзбекистоннинг БМТга аъзолиги мамлакат мустақиллигининг халқаро миқёсда тан олинаниши таъминлади ҳамда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли мулоқот учун асос яратди. 1993 йилдаёқ Тошкентда БМТ ваколатхонасининг очилиши ўзаро ҳамкорликнинг узоқ мuddатли хусусиятини мустаҳкамлади.

Ўтган давр мавойида Ўзбекистон глобал ташаббусларнинг фаол иштирокчисига айланди. Мамлакат Президенти Президентнинг мунтазам равишда Бош Ассамблеянинг сессияларида сўзга чиқиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақавий хавфсизлик, цивилизациялараро мулоқот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича таклифларни ўз ичига олгани билан эътиборга молик.

Бугунги кунда юртимизда БМТнинг йигирмадан ортиқ агентликлари ваколатхоналари фаолият юритмоқда, қўллаб қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Асосий йўналишлар соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлиқни ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларини қўллаб-қувватлаш, гендер тенглик ва экологик хавфсизликни қамраб олади.

Сўнгги йилларда бу борада аниқ натижаларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2022 йилдаги 17 фоиздан 2024 йилда 8,9 фоизгача пасайди. Ижтимоий тўловларнинг ягона реестри жорий этилиши натижаси-

да аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари қамрови икки баробар — 600 мингдан 1,2 млн. нафаргача кенгайди. Қўшма дастурлар болаларни эмлаш қамровини кенгайтириш, мактаб таълимини замонавийлаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини оширишга қўмақлашди.

Ҳамкорликда экология масаласи аънавий тарзда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор қарорлари, жумладан, “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги ҳамда “БМТнинг ўрмонлаштириш ва ўрмонларни қайта тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги” ташаббускорига айланди.

Алоҳида устувор йўналиш — “яшил” энергетика. Ўзбекистон БМТ кўмағида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш лойиҳаларини ривожлантирмоқда, замонавий суғориш технологияларини жорий этмоқда, шунингдек, карбонат ангидрид чикиндиларини қайтайтириш дастурларини қўллаб-қувватламоқда. Буларнинг барчаси экологик хавфсизлик марказий ўринда турадиган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ келади.

Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик меҳнат муҳожирлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг касбий мослашуви ва қайтиб келган мутахассисларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Марказий Осиё аҳолисининг юқори мобиллиги шароитида бу йўналиш стратегик

Ташкент хавфсизлик ва барқа-

Гуляя РАЙХАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА САРФЛАНИШИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР АЙТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши ва сарфланиши борасида маҳаллий Кенгашлар томонидан олиб борилаётган депутатлик назорати ишларининг натижадорлиги муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кўмита аъзолари томонидан ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижтимоий соҳа ва жамоатчилик вакиллари билан 40 дан ортиқ ўрганиш тадбирлари ўтказилган. Уларда янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинганлиги муносабати билан маҳаллий Кенгашларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчиликда акс эттирилгани, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг ушбу масала бўйича қўшимча ваколатлари ҳамда маҳаллий бюджет ижроси юзасидан депутат назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилган.

Ўтказилган ўрганиш тадбирлари жараёнида маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва уларнинг ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва депутатларининг иштирок этиши ҳамда назорат тадбирларининг натижадорлигига оид бир қатор муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, Кенгашлар томонидан маҳаллий бюджет лойиҳасини кўриб чиқиб, қарор

қилиш учун жуда қисқа вақт қолаётганлиги ҳисобга олиниб, бюджет қонунчилигида маҳаллий бюджет қабул қилинганга қадар уни дастлабки тарзда кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш таклифи килинди.

Шунингдек, депутатлар маҳаллий Кенгашларнинг бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссияси таркибида молия соҳасида билим ва тажрибага эга бўлган камиди иккита иқтисодчи бўлишини назарда тутувчи талабларини жорий этиш таклифини билдирди.

Бундан ташқари, кўмита аъзолари маҳаллий бюджет маблағларини самарали ишлатиш, уларнинг ижтимоий иқтисодий натижадорлигини баҳолашда Кенгаш доимий комиссияларининг назорат функцияларини кучайтириш мақсадида маҳаллий бюджет харажатларини босқичма-босқич бюджет дастурлари кесимида шакллантириш ҳамда бюджет дастурларининг мақсадли индикаторлар тизимини жорий қилишни таклиф этишди.

Йиғилиш якунида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича кўмита томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни масъул вазирлик ва идораларга етказишга келишиб олинди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, фермер, деҳқон хўжалиқларининг ўз товарлари (ишлари, хизматлари) нархини эркин белгилаши, уларнинг фаолиятига айрим маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан аралашининг олдини олиш бўйича қонунчиликдаги нормаларни мустаҳкамлаш зарурати юзга келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда товарлар (ишлар, хизматлар) ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ва (ёки) реализациясига аралашганлик ёҳуд тўқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланяпти.

«Халқ сўзи».

ҚАДРИ ҲАМ, ҚАДАИ ҲАМ ЮКСАЛАЁТГАН НАМАНГАН

Яқин-яқингача иқтисодиёти ночор, камбағаллик тараққиётига тушов бўлиб турган Наманган вилояти бугун шиддат билан ривожланиб, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Анъанавий хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги билан танилган бу замин бугунги кунда саноат, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам беқийёс салоҳиятга эга.

Агар ҳудуднинг яқин ўтмишига назар ташласак, вилоятда кўзга кўринган бирор қорхонани топиш амримаҳоллигини кўрамиз. Камбағаллик даражаси юқори, муаммолар ҳар соҳада тараққиётга тўсиқ бўлганди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари, рағбату эътибори тўғрисида вазият бугун тубдан ўзгарди. Шиддатли янгиланишлар “водий жавоҳири” бўлган ўлкага ҳам ёрқин, жозибадор муҳит олиб кирди.

Қутлуг қадам

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 17-18 сентябрь кунлари Наманганга ташрифи барча наманганликларга янги куч, кўтаринки кайфият бағишлади. Чунки давлатимиз раҳбарининг қутлуг қадами етган жойда минглаб одамларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқди, ишсизликдан қиналиб сарсон бўлиб юрганлар учун йирик-йирик лойиҳалар ишга туширилди.

Президентимизнинг вилоятда йирик саноат қувватларини ташкил этиш, иқтисодиётни ривожлантириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга доир ташаббуслари, оддий одамлар билан ўтказган самимий мулоқотлари халқимизнинг кўнглидан жой олди, эртасига ишончини оширди.

Қалбларга қувонч бағишлаган ташаббуслар

— Ташриф давомида ҳеч бир йўналиш, ҳеч бир соҳа Президентимиз эътиборидан четда қолмади. Саноатдаги ўзгаришлару қишлоқ хўжалиги ва яна аҳолини иш билан таъминлаш масалалари билан яқиндан танишилди. Ҳатто вақт топиб бизнинг “Фирдавс” кундузги парваршиш марказида ҳам бўлди, — дейди тадбиркор Сайёра Қосимова. — Юртбошимиз ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилётган ҳизмат сифати билан қизиқди. Машгулотлар малакали мутахассислар томонидан олиб борилаётганига эътибор қаратди. Юртимизда ҳеч қанча назардан четда қолмаслиги, бундай ижтимоий лойиҳалар микёси янада кенгайтирилиши лозимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида ижтимоий, иқтисодий, инвестициявий ва маданий соҳалардаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир ривожланишга эътибор қаратади, жараёнларни янада юксалтириш борасида ўз тавсияларини беради. Бу гал ҳам шундай бўлди: вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари, 14 та туман ва шаҳар ҳокимлари олдида йил якунигача 4 млрд. 200 млн. доллар инвестиция олиб келиш, экспортни 1 млрд. долларга етказиш, 323 минг одамни ишли қилиш, 26 минг оилани камбағалликдан чиқариш вазифаси қўйилди. Бу ҳазилакам рақамлар эмас, албатта, бунинг ортида машаққатли меҳнат, ҳаракат ва аҳолининг орзу-умидлари бор.

Хусусан, Норин туманидаги 5 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Шўрариқ маҳалласи тимсолида “огир” маҳаллалар қиёфасини тубдан ўзгартириб, шаҳар муҳитини олиб кириши одамлар ҳаётига мазмун бағишлайди. Бундай масканларда замонавий маҳалла гузарлари қурилади. Болалар ва спорт майдончалари, сервис объекталари, кутубхона, касб ва тил ўргатиш маркази, банк шохобчаси ташкил этилади. Кўчалар асфальт қилинади ҳамда ёритилади. Эскирган ва ҳосилдорлиги паст боғлар тўлиқ янгиланади.

— Бундай бўлишини кутмагандик, ҳатто тушимизга ҳам қирмаганди. Ҳозир қишлоғимизда 30 тадан ортиқ техника воситалари ишлатилиш, икки юзга яқин қувурчиларнинг кўли қўлига теғмайди. Биз ҳам уларга баҳоли қудрат кўмак беряпмиз — дейди Шўрариқ маҳалла фаоли, 40 йилдан зиёд мактабда муаллимлик қилган Мўминжон Қорабоев. — Яна бир гапни айтсам, албатта, ёзинг. Президентимизнинг йўлтувчи ва устозлар меҳнатига катта эътибор қаратиб, энг муносибларга давлатимизнинг ордени ва медаллари, фахрий унвонларини бергани, вилоятимизга ташрифи чоғида Тўрақўрғон туманидаги 37-мактаб йўлтувчиси Нодира Набиевани енгил автомашина билан тақдирлагани, очиги, наманганликларини ниҳоятда хурсанд қилди. Дунёнинг бирор жойида мана шундай устозларга бўлган эҳтирอมни кўрганмисиз? Бу ёшлар учун беқийёс ибрат, ўрнак олса арзийдиган эзгу фазилатдир.

Қосонсой ва Норин туманлари 100 млрд. сўмдан, қолган туманларнинг иккитадан “огир” ҳалласига эса 5 млрд. сўмдан, жами 320 млрд. сўм берилиб, улар намунали ҳудудга айлантирилди. Бундан, энг аввало, шу ҳудудда яшовчи ёш қари баҳраманд бўлади. Мана, сизга ислохотлар меваси,

халқни рози қилишнинг яққол намунаси.

Ташриф чоғидаги яна бир энг муҳим ташаббус Янги Наманганни Чортоқ билан боғловчи йўлдаги 13 километрик туну кун ишлайдиган сервис кўчани қуриш ва ишга тушириш топшириғи бўлди. Мақ-



сад — одамларни ишдан сўнг оила-си билан ҳордиқ чиқаришга шараит яратиш. Аммо масаланинг иккинчи томонини айтмасак бўлмас, яъни шу орқали тадбиркорлар даромад топади, янги иш ўринлари пайдо бўлади, бундан давлат ҳам манфаат қуради. Аҳоли учун қулайлик яратиш бизнесга янада кенг йўл очинишнинг яққол намунаси бу.

Фақат бугина эмас. Бундай сервис кўчалар Қосонсой, Наманган, Тўрақўрғон, Уйчи ва Янгиқўрғондаги 8 та жойда ташкил этилади. Қосонсой маркази, Нориндаги дарё бўйлари, Чустнинг Гова, Янгиқўрғоннинг Нанай, Попнинг Чо-дак қишлоқларида Бўстонлиқдан кам бўлмаган гўзал табиат, сўлим гўшалар борлиги, бу жойларда тадбиркорликни йўлга қўйиш ис-

бўйича юртимизда бошланган кенг қўламли ишлар вилоятнинг Норин туманида ҳам қанот ёзди. Бу ерда фаолият олиб бораётган “балиқчилик вилласи”га ташриф буюрсангиз, унинг соҳибби ростдан ҳам “олтин балиқ” тугиб олган деб ўйлайсиз. Халқ ичида “хонбалиқ”, “камалак”, “мармар” деб талқин қилинадиган гулмоҳи балигини етиштириш билан шуғулланаётган “Норин фишвел” қорхонасидаги ишлардан ҳайратингиз ортади.

— Гулмоҳи етиштиришни бундан тўрт йил аввал Учқўрғонда бошлаган эдик, қисқа вақтда яхшигина тажриба ортиқдир, — дейди МЧК раҳбари Азизбек Даминов. — Энди Норинда ҳам балиқ етиштиряпмиз. Мақсад — бирин-

“Ўтган даврда вилоят тўқимачилик саноатида йирик бренд компаниялар вужудда келди. Мана ўша брендлар: “Art Soft Tex Group”, “Uztex Group”, “Adim”, “Ideal”, “Vakkoni”, “D.Maretti”, “Nazmantexi”. Бу қорхоналар бугун дунёнинг энг машҳур, иқтисодий жиҳатдан бақувват брендларига маҳсулот сотаётгани, бу — Ўзбекистонда узоқни қўлаб олиб борилаётган ислохотларга ҳорижий экспертларнинг, йирик компанияларнинг ана бир ҳолис баҳосидир.

тагида юрган ташаббускорлар ҳам жуда кўпгайи таъкидланди.

Шу муносабат билан вилоят “Ислохотлар штаби”га тадбиркорлар билан ҳар бир туманда камидан 2 тадан хушманзара жойларни танлаб, улар бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига кейинги йилда 50 минг одамни ишли ва даромадли қилиш топширилди. Бу ҳам ташрифнинг яна бир ўзига хос ижобий самараси!

Наманган азалдан деҳқончилик ва боғдорчилик маркази бўлган. Вилоятда пахта, галла, мева-сабзавот ва узум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий этиш, сув тежовчи усулларни қўллаш ва янги навларни экиш орқали ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Тўрақўрғонда томчилатиб сугорилиш орқали 5 минг гектар адир ерларни ўзлаштириш ишлари бошланганини маъқуллади. Ҳозиргача 2 минг гектар ўзлаштирилди. Шунинг 1,3 минг гектариди боғ ва узумзор ташкил этилди, 4 минг киши ишли бўлди. Илгари бу адирларга ниҳол экиш, сув чиқариб боғ яратиш имконсиз саналган. Тадбиркорлар “харажатим эртага ўзини қопларимкин”, дея адирларга сармова тикишга ботинмагати. Давлат раҳбарининг даввати ва маслаҳати ҳокимлар қатори биз-нес аҳлига ҳам руҳ берди. Адирлар боғу роғларга айланмоқда. Ташриф чоғида Поп туманида 4 минг гектар, Қосонсой, Чуст ва Мингбулоқ туманларида 1 минг гектардан ерни қайта фойдаланишга кириштиш вазифаси қўйил-

чи мавсумнинг ўзидаяёқ 8500 тонна парҳезбоп ва экспортга тортаядиган гўшт етиштириш орқали аҳоли бандлиги ва хонадонлар даромадини ошириш.

Давлатимиз раҳбарига “Норин фишвел”даги ишлар ҳам тақдим қилинди. Тадбиркор ўзаро мулоқот чоғида навбатдаги режалари ҳақида гапириб, балиқлар озқаси



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

импортини чеклаб, махсус ёмни маҳаллий шараитда ишлаб чиқаришга киришаётганига алоҳида ургу берди. Демак, унинг фаолияти янада кенгайди.

Президент иштирокида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари юзасидан ўтган йиғилишда Норин туманидаги балиқчилик кластерининг ишлари, хусусан, Хўжақўрғонча маҳалласидаги хонадонлар кластер билан кооперация асосида ишлаб, йилгига қар бири 150 млн. сўмгача даромад кўраётгани юқори баҳо-ланди. Бу тизимни оммалаштириб,

Учқўрғон ва Норин туманларидаги 1 минг хонадонда гулмоҳи етиштиришни йўлга қўйиш, 1 сотихли 350 та сунъий ҳовуз ўрнатиб, аҳолига бўлиб бериш муҳимлиги таъкидланди. Нидерландиялик ҳамкорлар билан йилгига 20 минг тонна балиқ озқаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши ҳам айтилди.

Жаҳон бозорида Наманган бренди

— Бугунги кунда вилоят саноатининг учдан бири, экспортнинг ярми тўқимачилик соҳасига тўғри келади. Бунда, албатта, бренд билан ишлаш бўйича республикада етакчи ҳисобланган компаниямизнинг ҳам ҳиссаси бор, — дейди “Aisha Home Textile” МЧК шаклидаги кўшма қорхона асосчиси, “Шухрат” медални нишондори Жо-бир Камолитдинов. — Ниятимиз — юқори сифат орқали рақобат жуда кучли бўлган жаҳон бозорида янада мустаҳкам ўрин эгаллаш, экспортни яна кўпайтириш. Президентимиз бу борада бизни қар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Тез орада инвестиция олиб келиш ва брендлар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун алоҳида лойиҳа офиси очилади ҳам бўлди. Шунингдек, халқаро сертификат олган тўқимачилик қорхоналари сонини 50 тадан ошириш вазифаси ҳам белгиланди. Мутасаддиларга йил якунигача Варшава ва Лондонда камидан 1 минг квадрат метрли савдо уйлари ташкил қилиш топширилди.

Вилоятда бу йил тўқимачилик маҳсулотлари экспортни 500 млн. долларга етказиш, икки йилда 1 млрд. долларлик 25 та йирик лойиҳани ишга тушириш имкониятлари мавжуд. Бу нафақат вилоят иқтисодиётига, балки республика газнасига ҳам қўшимча даромад олиб келади. Шу орқали биз дунё бозорида Ўзбекистон тамғаси босилган тайёр маҳсулотлар салмоғию миқдорини сезиларли даражада оширамиз.

Ҳа, ҳудуд бугун иқтисодий имконият жиҳатдан мутлақо янги манзилга айlandи. Ўтган даврда вилоят тўқимачилик саноатида йирик бренд компаниялар вужудга келди. Мана ўша брендлар: “Art Soft Tex Group”, “Uztex Group”, “Adim”, “Ideal”, “Vakkoni”, “D.Maretti”, “Nazmantexi”. Бу қорхоналар бугун дунёнинг энг машҳур, иқтисодий жиҳатдан бақувват брендларига маҳсулот сотаётгани, бу — Ўзбекистонда узоқни қўлаб олиб борилаётган ислохотларга ҳорижий экспертларнинг, йирик компанияларнинг ана бир ҳолис баҳосидир.

Таққос учун айтадиган бўлсак, 2017 йилгача вилоят экспорт географиясидан, асосан, МДҲ мамлакатларига жой олган ҳолос. Бугун 60 га яқин давлатлар билан экспорт локацияси бойиди. Натияжада 2025 йилда ҳудуднинг экспорт кўрсаткичи 4 баробар ошди.

Йил бошидан вилоятга 1 млн. 200 минг ҳорижий, 2 млн. маҳаллий сайёҳ келди, туризм экспорти 200 млн. доллардан ортди. Бунда ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Халқаро гуллар фестивалининг ўрни катта. Ҳозир Наманган аэропорти туристлар оқимига кичиклик қилмоқда. 140 млн. доллар инвестиция ҳисобига Наманган аэропорти реконструкцияси бажарилмоқда. Янги терминал янада тулса, йўловчи ташиш қуввати 2,5 қарра ошадди. Шунга мос равишда туризм инфратузилмаси ҳам ривожлантирилди.

Агар Намангандаги энг жозибадор ҳудудлардан бири — Чортоқ

ҳудуди қарийб 2 баробар кенгайтирилади. Чортоқсой бўйлаб 11 километр узунлида пиёдалар ва велосипед эко-йўлаклари қурилади. Бу ердаги кўп йиллик боғлар билан уйғун ҳолда санаторий типигадаги йирик сервис объеклари барпо этилади. “Чортоқ” сув омбори атрофида туризм комплекси, меҳмонхона, ресторан, дам олиш ва кўнгилоҳар масканлар очилади. Яна бир йирик лойиҳа — Поп туманидаги Арашан кўли атрофида 1 минг 200 гектар майдонда йилгига 1 млн. сайёҳни қабул қиладиган йирик туризм комплексига асос солинади.

— Албатта, мазкур лойиҳалар ижроси маънавий жиҳатдан етук, ҳорижий тилларни ўз она тилидек мукаммал биладиган мутахассислар тайёрлашни ҳам талаб этади. Ҳар доим юртимиз ёшларини ўз фарзандикдек эъзозлайдиган, уларнинг таълим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун жонқуяр бўлган Президентимиз бу муҳим йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Кейинги ўқув йилидан бошлаб Австриянинг Кремс университети билан Наманган давлат университетида кўшма факультет ташкил қилинадиган бўлди. Бу ташаббус келажда миллий кадриятларимизни, маданият ва маънавиятимизни чет эллик сайёҳлар олдида тарғиб этишга, шу орқали Наманганнинг туризм салоҳиятини янада оширишга хизмат қиладди. Давлатимиз раҳбари томонидан айтилган бу хушхабар ҳам вилоятимиздаги барча зотибилар юрагига ёрғулик олиб кирди, — дейди республика “Нуроний” жағфармасининг вилоят бўлими раҳбари, сенатор Икромхон Нахидминов.

Дарҳақиқат, Наманган тарихий обидалар, зияратгоҳлар ва табиий гузалчиликларга бой. Бу ҳам туризмни ривожлантириш учун катта имконият. “Чортоқ” санаторий-йис, “Ахисикент” археология мажмуаси, “Мингбулоқ” минерал сувлари каби масканлар маҳаллий ва ҳорижий сайёҳларни жалб қилиш учун катта салоҳиятга эга. Янги йўллар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, аэропортни модернизация қилиш ва темир йўл тармоғини кенгайтириш орқали вилоятнинг транспорт салоҳияти оширилмоқда. Электр энергияси, сув таъминоти ва телекоммуникация тизимларини такомиллаштириш орқали аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишни таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Шунга қарамай Наманганда йўл, ичимлик суви, уй-жой каби ҳаётий зарур инфратузилмани ривожлантириш ҳам энг долзарб масалалардан бўлиб қолаётди. Негаки, Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманлари аҳолисини вилоят маркази ва бошқа туманлар билан боғловчи асосий йўлдаги тирбандлик қийнаб келаётган эди.

— 63 млрд. сўм ҳисобига Норин дарёсига устидан 480 метр узунликдаги янги кўприк қурилаётгани айни муддао бўлди, — дейди маҳалла фаоли Роман Мақсудов. — Бу Уйчи орқали Учқўрғон ва Норин туманлари марказига етиб боришни 20 — 25 километрга, Нориндан Балиқчига йўлни 35 — 40 километрга қисқартириш бизни жудаам қўвонтирди. Вилоят марказини пойтахт билан боғлайдиган, қунига 15 минг транспорт ҳаракатландагилар Пунгон — Наманган йўлининг 75 километри реконструкция қилиниши, йўл 246 млн. доллар ҳисобига 4 тасмали, бетон қопламали усулда қурилиши, 34 та кўприк, 22 та пиёдалар ўтиш жойи барпо этилишини эшитган катта-кичик, ёш қарининг кўли дуода.

Наманганда эришилаётган натижалар, ўзгаришлар ва янгиланишлар осонликча юзга чиқмаслигини ҳаммамиси яхши биламиз. Бунинг ортида катта сиёсий ирода, узоқни кўра биллиш, адолатли бошқарув ва юксак салоҳият, кучли иқтисодий таҳлилга таянган зукколик муҳассам. Президентимиз ташрифи чоғида билдирилган бу лойиҳаларнинг янада пишиқ ва пухта бўлиши учун неча тунларни бедор ўтказгани, бу эзгуликлар халқимиз ҳаётида ҳақиқатга айланишини астойдил истаганини раст. Ўз навбатида, тадбиркорлар қатори тўқинлик сари интилаётган одамлар буни юракдан ҳис этиб, янги бизнес лойиҳаларни амалга оширишга тезкорлик билан киришгани қувонарлидир. Қўтлуг ташрифнинг тотли мевалари, ҳеч шубҳасиз, яқин келажда Наманганнинг иқтисодий салоҳиятида, иш ўринлари яратиши ва аҳоли даромадларининг кўпайиб, турмуш шарафларини янада яхшилашида намоён бўлиши мукаррар.

Абдуноби АЛИКУЛОВ,
Абдулло СОЙБЕҲАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбекистоннинг Апарди маҳалласида аксарият хонадонлар чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар куни тонналаб сут олинади. Бироқ ҳудудда хомашёни қайта ишлайдиган корхона йўқ. Бу имкониятни ҳисоб-китоб

«ХАЗИНАНИНГ КАЛИТИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА»

— Минизаводимиз жуда ихчам, аммо соатига 60 литргача сутни қайта ишлаш имконини беради, — дейди у. — Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп бўлмади. Ҳозир ҳудуддаги оилалардан кунига 100 — 120 литргача сут қабул қилиб, ундан кефир, йогурт, айрон ҳамда қаймоқ тайёрлаёмиз. Махсулотни ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб бераёмиз. Янги-янги бозорларни топиш ҳаракатидамыз. Буюртмаларимиз ошгани сари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам кўпайтириб бораёрамиз. Бунга салоҳиятимиз етди.

Дастлабки лойиҳани муваффақиятли бошлаган тadbиркор энди яна кредит олиб, хонадонда катта сифимли совиткич қўймоқчи. Фаолияти учун бу жуда зарур. Бугун изланган, интилган, ҳаракат қилган киши яхши даромад топиб, фаровон турмуш кечирмоқда. Апарди



маҳалласида Лобар Бойкуловага ўхшаган ташаббускор инсонлар кўп. — Хазинанинг калити ўз қўлимизда экан. 32 сотих ерда иссиқхона ҳўжалигини ташкил этган бунки яққол англадик, — дейди кишлоқ тadbиркори Нормурод Жабборов. — «Елик томорқа»нинг асосий қисмида лимон парваришалаётган бўлса, 10 сотих майдонда бодринг етиштирмоқда. Мазкур оила йилнинг қайси фаслида ички бозорда бодрингга

қилиб кўрган шу маҳаллалик Лобар Бойкулова банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, оила аъзолари кўмағида сутни қайта ишловчи кичик, лекин замонавий технологияни харид қилди.

талаб ошишини яхши билди. Шунга қараб, ҳосилни тайёрлайди.

— Тезпишар навларни экиб, бир йилда икки марта ҳосил олаёмиз, — дейди хонадон соҳибаси Нодира Тўхтаева. — Масалан, бу йил февраль ойи ўрталарида иссиқхонага бодринг кўчатларини ўтказган эдик. Мартнинг охири апрель ойининг бошларидан бозорга махсулот чиқаришни бошладик. Июнга қадар бодринг сотдик. Очқик томорқаларда ҳам ҳосил тайёр бўлиб, бозор тўйинган паллада биз яна ерни ҳозирлаб, янги кўчатларини ўтказишга киришдик. Кўчатларимиз гуллаб, илк ҳосил нишонлари пайдо бўла бошлади. Бу ўзоғи билан ўн кунда яна бозорга махсулот чиқариш демакдир. Шундан сўнг то декабрга қадар ҳосилнинг кети узилмайдик.

Омилкорлик

Апардилик тadbиркорлар томонидан йўлга қўйилган бундай кичик лойиҳаларга мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Эътиборлики, авваллари маҳаллада зарур инфратузилмалар йўқ. Бу томорқачиликда ҳам, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланишда ҳам муаммоларни юзага келтирарди. Натижада аҳолининг тadbиркорликка нисбатан қизиқиши ҳам юқори эмасди. Сўнгги йилларда ички йўллар, айниқса, электр энергияси билан боғлиқ кўплаб муаммолар бартараф этилди. Бу йил «Қамбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида аҳоли томорқаларига сув етказиб бериш учун маҳаллада иккита артезиан қазилиб, ишга туширилди.



Жаҳонир БОЙМУРДОВ («Халқ сўзи»).

Интилиш



ИМКОНСИЗЛИКДАН ИМКОН ТОПГАНЛАР

Юртимизда қамбағаллик имконсизлик эмас, ҳаракат қилган борки, ўз оилавий даромадига эга. Илгари «аёллар дафтари» ёки «ёшлар дафтари»га кириб, касб-хунари орқали оёққа турганлар бугун ўзини қамбағал деб ҳисобламайди. Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилаётган тизимли чора-тadbирлар натижасида мамлакат бўйлаб қамбағаллик даражаси қадим-бақадим қамайиб бормоқда.

Анджон вилоятида ҳам аҳолини барқарор даромад манбаига эга қилиш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу хайрли ишлар аҳоли ҳаётида ҳам ўз ифодасини топтомоқда. Масалан, Олтинқул туманидаги Садда маҳалласида 5 гектар ер майдонида иссиқхона қурилиб, «Қамбағал оилалар реестри»да турган 50 та оиллага бўлиб берилди. Натижада бу оилалар доимий даромад манбаига эга бўлиб, қисқа вақтда рўйхатдан чиқарилиди.

— Аввал даромадимиз фақат қулиқ эҳтиёжини қоплаш учун етарди, — дейди шу маҳаллада яшовчи Шерзодбек Абдувалиев. — Ҳозир иссиқхонада етиштирган махсулотларимизнинг ўзидан ойига 2-3 миллион сўм атрофида даромад топиёмиз. Бу нафақат иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга, балки кайфиятимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатапти.

Асака туманида истиқомат қилувчи Саодатхон Абдуллаеванинг оиласи аввал «қизил» тоифага киритилган эди. Уйда қўй ва парранда парвариши йўлга қўйилганидан сўнг бир йилда оила барқарор даромад манбаига эга бўлди.

— Оғилхонага қўй қамаб қўйган билан даромадли бўлиш қийин экан, — дейди С. Абдуллаева. — Маҳалладан масъуллар бириктирилиб, чорвачилик сирларини ўргатишга, ишчимиз юришиб кетди. Ҳозир уйдаги томорқа ва қўйлардан йиллик 25 — 30 миллион сўм атрофида маблағ топиёмиз. Бу даромадга йўналтириш бўйича олиб борилган ишлар самарасидир.

Балиқчи туманида яшовчи Ёдгорбек Ибодов ҳам ишсизлик сабаб шу рўйхатга



Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

майитириш имконияти мавжуд. Бу бир йилда юз минглаб инсонларнинг турмуш тарзи сезиларли даражада яхшиланшига замин яратди.

Айтиш жоизки, «Қамбағал оилалар реестри»га киритилган 60 969 та оиланинг 7 681 таси «қизил» тоифага мансуб. Улар орасида ногиронлиги бўлганлар, боқувчилари йўқотганлар, ёлғиз кексалар ҳам бор. Бундай оилаларга ижтимоий хизматчилик томонидан доимий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Умуман, қамбағалликдан чиқиш йўлини топган ҳар бир оила, нафақат ўз турмуши, балки маҳалла ва жамиятнинг маънавий муҳитини ҳам ўзгартирмоқда.

ЮЗ ЁШЛИ ҲУНАРМАНД БОБО

Бойсун тоғларида чанқовуз чалаётган, лапар айтаётган момолар, қир-адирларда дўмбира чалиб дoston қуйлаётган бахшилар кўп. Саросиё маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳмат бобо Эсонов 103 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳалигача миллий ҳунаримиз саналмиш чанқовуз ясаш билан шуғулланади. Эшитганлар шундай табарруқ ёшда ҳам ўзи севган ҳунар билан шуғулланиб, қалбларга эзгулик улашиб келаётган Раҳмат бобого ҳавас ила қарайди.

Ибрат

— Чанқовузда ота-боболаримизнинг руҳи бор, — дейди ҳунарманд бобо. — Етти ёшимдан буюн шу ҳунар ҳаётимнинг мазмунига айланган. Ўзбек момолари юрагидаги бор дардларини чанқовуз орқали баён этишган. Дейлик, у вақтлари дардини бировга айтишга йиманган аёллар ёрнини соғинган бўлса, чанқовуз орқали билдирган. Бугун аёллар дардларини телефон орқали тўкиб соляпти.

Раҳмат бобо нафақат ҳунарини унутмаган, балки уни юзлаб шогирдларига ҳам ўргатиб келмоқда. Бу ҳунар оила анъанасига айланган. Бобонинг ўғли — Бозор Эсонов ҳозирги кунда еттинчи авлод сифатида чанқовуз ясашни фаол давом эттирмоқда.



— Миллийлигимизга тақик қўйилган вақтлар ҳам бўлган, — дея хотирлайди Бозор ака. — Аммо отам ҳовлимиздаги устaxonада ишлашни ҳеч қачон тўхтатмади. Ҳар доим чўнтагида чанқовуз бўларди. Байрамларда, тўйларда, йиғинларда чалиб берарди. Энди мен ва ўғлим ҳам бу ҳунарни давом эттирмоқдамиз.

Япония, Испания каби давлатлардан келадиган сайёҳлар чанқовуз ясаши жараёнини катта қизиқиш билан кузатади.

Бу хонадоннинг ҳар бир аъзоси миллий қадриятларни ардоқлаб яшайди. Оиланинг келини Солиҳа Эсонова ҳам ўттиз икки йилдан бери ҳунарни инсон. У дўппи, кашта, қуроқлар тикади. Қўл меҳнати билан гўзаллик яратади.

Чанқовуз — кўпчилик учун оддий мусиқа асбоби бўлиб кўриниши мумкин, аммо Эсоновлар учун у аждодлар билан мулоқот, миллий ўзлиқнинг рамзи. Бу ҳунар орқали уларнинг рўзғори бут, маънавий жиҳатдан қалби гўзал. Раҳмат бобонинг асрга тенг ҳаёти ҳунарга, урф-одатларимизга садоқат намунасидир. Унинг қўлида тобланган чанқовузолар гўё юрак товушидек жаранг сочади. Бобо эса чанқовуз ясаётганда қалбдан юксалса, унинг харидори кўпчилигидан ботмон қувонади.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

ГИДЛАР — ЮРТ ТАНИТУВЧИ ТИЛМОЧЛАР

Юртимизга ташриф буюрган сайёҳ борки, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Шахрисабзнинг тарихий ёдгорлиқларини кўришга ошқоқди. Қўҳна миноралардаги аждодларимизнинг юксак тафаккури билан яратилган қадимий нақшларни соатлаб томоша қилиши ҳам бор гап. Бу сайёҳларнинг тарихий маълумотларни билишида гид-экскурсоводларнинг хизмати катта.

Холис назар

Айтиш мумкинки, гидлар миллиятимизнинг юзидир. У бу қасбда ишлаш учун тарих, география, урф-одатлар бўйича кўпроқ билим эгаллаш, сайёҳларнинг ҳар бир саволига тезкор жавоб бериш қобилиятига эга бўлиши керак. Чунки у билимдон сайёҳлар билан ишлайди. Сайёҳлар учун халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари, жой номлари қизиқ ва янгилик. Интернет орқали мамлакатимиз ҳақида маълумотларни олиб, баъзан бирор тарихий воқеага нисбатан салбий фикрга эга бўлган сайёҳларнинг қандай бўлмасин, фикрини ўзгартаришга, Ватанимизга бир бор келган меҳмоннинг яна қайтиб келиш истagini пайдо қилишга муваффақ бўлган гид ўз касбининг устаси ҳисобланади.

Гувоҳи бўлаямиз, баъзи касб маҳоратига эга бўлмаган гид-таржимонлар тарихимиз, анъаналаримизни хорижликларга тушунтириб беришда қийналиб қоляпти. Юртимиз тарихини тўлиқ ўрганишдан туриб берган нотўғри маълумоти шу сайёҳлар орқали интернетларда ҳам тарқалиб кетмоқда. Бу мамлакатимиз имижига салбий таъсир кўрсатиши тайин.

Бугун туризм иқтисодиётининг асосий тармоғига айланар экан, таълим соҳасида ватанпарвар, маданиятли, хорижий тилларни мукамал ўрганган, юксак маҳоратли гид-таржимон кадрларни тайёрлашга ало-

воятлар кўп. Агар ҳақиқат билан тўқимани гид-таржимон фарқлай олмаса, меҳмонлар бунки тарихий ҳақиқат деб қабул қилиши мумкин.

Рости ҳам шу: гидларнинг иши фақат тарихий шаҳарда сайёҳларни айлантириш эмас, балки очик осмон остидаги тарихий ёдгорлиқлар билан яқиндан таништиришдир. У доим одамларнинг диққат марказида туради. Тасаввур қилинг, қутилмаганда дунёдаги энг машҳур тарихчи, ёзувчи ёки олим юртимизга ташриф буюрди, шунда гид-таржимон Ватанимизнинг шонли тарихини фохрланиб кўрсата билиши керак.

— Регистондан бир пайлтар Афросиёб шаҳарчасини сув билан таъминлаб турувчи катта ариқ ўтган, — дейди гид-экскурсовод Аслиддин Сафаров. — Манбаларда келтирилишича, қўл асрлар олдин ушбу жойнинг Жаҳоний-Шарқий томонидан шимол томонга оқувчи Жўйи Арзис канали (ариги) бўлган. Самарқанд қамалининг олтинчи кунда Афросиёб шаҳри ва бошқа кўплаб объектлар каби Жўйи Арзис ҳам вайрон қилинган. Шу сабабли, Афросиёб сувсиз қолиб, кейинчалик вайрона ва харобага айланган. Ариқ қуриб қолганлиги боис қумли жой ҳосил бўлган. Бу ерда жуда катта микдордаги қум ҳосил бўлганлиги сабабли «Регистон» деган ном шаклланган. Майдондаги биноларнинг учаласи ҳам мадраса — XV — XVII асрларда қурилган олий ўқув юртлири. XIV асрда ушбу майдон фақатгина бозор вази фасини ўтаган. Амир Темирнинг рафиқаси Туман оқо бу ерда усти ёпиқ бозор қурдирган. У «Тими тепакфурушон» номи билан машҳур бўлган. Амир Темир вафотидан сўнг Мирзо Улугбек фан, маърифат, маданият соҳаларига алоҳида эътибор

қаратган. Хусусан, 23 ёшида, 1417 — 1420 йилларда мадраса қурдиради. Мадраса ёнидан ҳозирги Тиллакорни ҳамда Шердор мадрасалари ўрнида хонақоҳ ҳамда қарвонсаройлар барпо этилган. Қарвонсаройлардан тушган даромад мадрасада таълимни ривожлантиришга йўналтирилган. Орадан икки аср ўтиб, Самарқанд ҳокими Баҳодур Ялангтўш Шердор ва Тиллакорни мадрасаларини қурдириш билан битта яхлит Регистон ансамбли қўрилишига асос солди. Улугбек мадрасасининг пештоқи юздузлар билан безатилган бўлиб, бу алломанинг астрономлигига ишора, икки ёнидаги қад ростлаган минораларнинг бири, яъни ўнг томондагиси бироз оғнагига эътибор беринг. Самарқандликлар билан минорани «Самарқанд пизаси», деб ҳам аташади. Ўтган асрнинг бошларида юз берган зилзила натижасида минора қарийб икки метрга чўккан. М. Ф. Мауэрнинг лойиҳаси бўйича В. Г. Шухов бошчилигида Москва-нинг «Мостет» заводида металл конструкциялари ясалиб Самарқандга юборилади. Миноранинг безаклари бузилмаслиги учун улар остига юшмоқ дархат пўстлогли ётқизилади. Ва 1932 йил 11 мартда миноранинг тикланиши тўғрисида.

Бу фактларни келтиришимиздан мақсад гид нафақат тарихчи, балки ровий ҳам бўлиши лозим. Бебаҳо қий-матга эга тарихимиз бўла туриб қуруқ чўчқалар билан сайёҳларнинг қимматли вақтини ўғирлашмаслик керак.

Дарҳақиқат, Шердор мадрасасида Регистон ансамблига ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳларда мадрасалар ҳақида таассуротга эга бўлиш учун экспозиция



шаклида ҳудди ўша даврдаги сингари талабалар ҳужраси тайёрлаб қўйилган. Малакали гид-таржимонлар сайёҳларга ҳар бир тарихий маскан ҳақида тўлақонли маълумот бериб боради. Регистон майдонидаги муҳташам обидаларини ёки шаҳардаги бошқа тарихий масканларини гид-таржимон ҳамроҳлигида айлана-ман десангиз, кўп вақт кетади. Аммо бунга ачинаймисиз, аксинча, бу ерда яна қолгннгиз, ҳар бир қосин ҳақида билингиз келаварида. Бирок афсуски, ўзини ўзи банд қилиш мақсадида соҳага адашиб келиб қолган айрим «гидлар» борки, улар ўзларининг асосланмаган ишонсиз маълумотлари билан бу касбнинг обрўсини туширди. Хайриятки, уларнинг фаолияти келгуси йилдан тўхтатилади-дир бўлди.

Зотан, юртимизнинг тарихий гўшаларига борган киши шунчаки биноларнинг маҳобатидан завқланиб қайтиши эмас, малакали мутахассис билан айланиб тарихини билсагина маънан юксалади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

САРДОБАНИНГ СИРИ НИМАДА?

Қоровулбозор тумани марказига кираверишда кўзингиз гўмбазсимон иншоотга тушади. Ён-атрофи обод қилинган бу қадимий обида қаршисидаги лавҳада «Сардоба архитектура ёдгорлиги. XVI аср» ёзуви битилган. Бу — Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган Қоровулбозордаги икки сардобанинг бири. Иккинчиси, Бўзачи деб аталади.

Хайрат

Даврнинг 400 йиллик чигиринга эсон-омон ўтган, суяғи бутун бу сардобада хорижий сайёҳларни тез-тез учратиш мумкин. Аждодларимизнинг ақл-заковати билан қараб ётган саҳро бағрида қурилган бу иншоот, ундаги нозик меъморий ечимлар улар ҳайратига сабаб бўляпти. Айланаси 16 метрдан сал зиёд, деворларининг қалинлиги 1,5 метргача бўлган сардобада сув муздай сақланган. Тенадаги

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, иншоот қурилишида саксовулдан тайёрланган қўмир қатлами, таркиби туя жунидан иборат кигиз, обдан пардозланган қорамол терисидан фойдаланилган. Саксовулга алоҳида урғу бераётганимиз бежиз эмас. Сув таркибини туздан тозалашда айнан у энг яхши восита саналган.

— Ота-боболаримизнинг иморатсозлик борасидаги билими, салоҳиятига ҳар



туйнуқлар орқали ҳаво алманиб турган. Сув сардобанинг ичига силлиқ тошли тешиқлар орқали тушган.

— Тарихий маълумотларга қараганда, Мовароуннаҳрда 44 та шундай сардоба бўлган, — дейди юртимиздаги осориаатқалар, зиёратгоҳлар, турли маросимлар, қўҳна манзиллар тарихини чўқур ўрганиб, самарали тadbиркорлар олиб бораётган бухоролик ёш олим Шавкат Бобожонов. — Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Тошкент қилим Фарғона ўртасидаги қадимги савдо йўлида, 1 таси Қармана яқинида — Чўли Маликада қурилган.

Бухоро ҳукмдорларининг барчаси сардобалар қуришга алоҳида эътибор қаратган. Бу юмшга ҳаётини зарурат сифатида қараган. Дейлик, Абдуллахон ҳукмдорлиги даврида кўплаб сардобалар бунёд этилган. Бу хайрли юмшга савоб-талаб, бадавлат инсонлар ҳам бош қўшган. Шу тариқа Буюк Ипак йўли бўйлаб сафарга чиққан савдо қарвонларига қулайлик яратилган. Негаки, қимсасиз чўлу биёбонлар, чеки кўринмас саҳролар оша манзилга етиб бормокни обихаётсиз тасаввур этиб бўлмасди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Оила — муқаддас кўргон. У жамиятимизнинг таянчи, пойдевори. Оила ҳар бир халқнинг давомийлигини, миллий қадриятларини асраб қолувчи, янги авлодни дунёга келтириб, баркамол инсонни тарбияловчи маскандир.

ёки енгил-елпи сериаллар жамиятга нима берапти?

Мулоҳаза учун мавзу

Оила боши ота бўлса, она унинг тинчлигини таъминловчи, меҳр-муҳаббат улашувчи муҳтарам зотдир. Ватан остонадан бошланади. Демак, Ватанга муҳаббат оилада шаклланади. Одамнинг одамдек яшаши учун меҳр керак, муҳаббат керак. Бу туйғуни унга, аввало, она беради. Зеро, инсонни ҳайвондан, паррандаю даррандалардан фарқлаб турувчи жиҳат ҳам унинг қалб деган гавҳари борлигидандир. Бахтли оилалар бир-бирининг қалбидagi мана шу гавҳарни кўра билади, уни асрайди ва қадрлайди.

Минг афсуски, ҳаётимиз фаровонлашиб, одамларнинг яшаш шариоити енгиллашган сари оилаларда ажралишлар кўпайиб борапти. Бундай нохуш ҳолатларнинг 80 фоизи аёлларнинг ўз хонадонидида қадр кўрмаётгани, муттасил камситилаётгани, ҳақоратланаётгани, калтакланаётгани туйфайли юз бермоқда. Уларни асраб-авайлаш, ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, айрим ҳолларда ҳаётини сақлаб қолиш учун ажрим қарорлари қабул қилинмоқда. Масалага чуқурроқ ёндашсак, ажралишларнинг кўпчилигига ўз уй-рўзгорини моддий таъминлашдан бўйин товлайдиган, ахли аёлини моддий ва маънавий қўлламайдиган, фарзандларига ғамхўрлик кўрсатишни хоҳламайдиган эркеклар сабаб бўлаётганини кўрамиз.

Шарқ халқлари отага ниҳоятда катта ҳурмат билан қараган, уни эъозлаган, оиланинг пойдевори, шоҳи, тарбия мактабининг устози деб билган ва ундан фахрланган. Оталар ҳам, албатта, шунга муносиб бўлишган.

Инсон ҳам бир буюк қалъадир. Агар у ураса, ўз ичидан емирилиб қулайди. Инсон деган мураккаб қалъанинг, энг аввало, пойдевори мустаҳкам бўлмоғи зарур. Инсонни инсон сифатида шакллантирадиган пойдевор бу тарбиядир. Ўғил бола учун тарбиянинг бошланғич нуқтаси ота ибратидан бошланади. Мард эркекларга хос ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик сингари фазилатлар, дангсалигу иккиюзламачилик каби иллатларга мурросасизлик оилада оталар ибратига орқали синдирилади.

Оилада аёл меҳру шафқат булоғи бўлиши билан бирга, ўзи ҳам меҳрга, муруватга зор заифа ҳисобланади. Аёлни гулга ўхшатишди. Уни куёшга менгашади. Тошни ёриб чиққан майсага қиёслашади. Аммо, афсус-

ки, “аёл” сўзи ёнига шу ўхшатишларни асло яқинлаштирмайдиган эркеклар ҳам бор. Улар — аёлининг қалби борлигини унутган инсонлар.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларга қараб: “Аллоҳнинг наздида сизларнинг энг яхшиларингиз ахли аёлига яхшиларингиздир”, деганлари ривоят қилинади. Бу улуг ҳақиқатни тан олмаганларни ким деб аташ мумкин?

Аёл ҳақида гапирётганимизда, ёзаётганимизда ёки тасвирлаётганимизда, аввало, унинг она эканини унутмаслигимиз керак. Агар айтаётган гапимиз бирор-бир аёлга калтак бўлиб тушса, ёзаётган ёзувимиз бирор-бир аёл бошига мағзава бўлиб тўкилса, чи-заётган тасвиримиз унинг шарманда бўлишига хизмат қилса, воз кечиш керак бундай ишдан.

“Онасини севмаган, боласини ҳам севмайди”, “Онаси қошимда, боласи бошимда” деган гаплар бор. Ота завжасини севмас, ўзиники бўлса-да, боласига меҳр бермаслигига кўп бор гувоҳ бўлдик. Бу муҳаббатсизликнинг борар йўли туманли ва гумонлики, адаштирмасдан қўймайди.

Ажрашаётган ота ўзининг пушти камаридан бўлган фарзандларни дунёга келтириб, уларга тунари бедор оқ сут берган аёл — Аллоҳнинг омонати эканини ёддан чиқарган эркекдир. У эркак асло ўйламайди, қайғурмайдики, болалари билан кўчага ҳайдалаётган бечора аёл кечга бориб қай гўшадан қўнин топади, бу гўдаклар нима еб, нима ичади, совуқдан, иссиқдан, етти ёт бегоналарнинг қаҳридан қандай ҳимояланади? Аёли, болалари бир ширин таомга зор, эшикма-эшик юрган эркекнинг томоғидан қандай егулик ўтадию, кўзига қандай уйку келади?

Жамиятимизда бунчалар бағритош инсонлар қандай ва қачон пайдо бўлди? Албатта, илмсизликдан, жоҳилликдан. Илмсизлик қаердан пайдо бўлади? Китобдан, газетадан, журналлардан йироқлашиб оқибатида юзага келади. Ёмонлардан ўрناк олишдан пайдо бўлади. Деярли ҳар куни телевидение экранларида, хусусий каналларда, ижтимоий тармоқларда рўзгорнинг ғори олдида тишини-тишига қўйиб чидаётган, борини ошириб, йўғини яшириб яшаётган оилалар, фарзандли аёлни гоҳ жанжалкаш қайнона, гоҳ бевафо хотин, гоҳ енгилтак келин қиёфасида гавдалантираётган сериаллардан

бошланади аёлга нисбатан ноинсоний муносабатлар.

Шундай сериалларга сценарий ёзиб берадиган бир “ижодкор”дан нима учун бунчалар бачкана нарсаларни ёзаётганини сўрадим. Унинг айтишича, тарбияга оид, қадриятларни улуғловчи, ватанпарварлик каби тушунчаларга йўғрилган сценарийлар кўп томошабин йиғмас экан. Сценарийда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлса — томошабинлар “Вой, шунақа ҳам бўларканми?”, “Аёл бўла туриб, шунақа қилади-ми? Аёллар шунақа-ми?” деб, қайта-қайта кўрсалар, сериалчиларнинг тили билан айтганда, қанчалик кўп “прос-

риаллар кўпайиб кетди. Болам-чакам деб, тинкаси қуриб ишлаб келаётган аёлга меҳр кўрсатиб, қувват бўлиш ўрнига, уни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлаб, енгилтакликда айблаб, руҳини синдирадиган эркеклар ҳисобига ажралишлар кўпаймоқда.

Одамлар дастурхон ёнида, дам олиш соатларида, ҳатто меҳмон қаҳриб, меҳмонга борганда ҳам бир-бири билан сериалларда кўрган ажабтовур ваҳшийликлар ҳақида гаплашадиган, баҳслашадиган, оқибатда аёл зоти шунақа деб хулоса чиқарадиган бўлишди. Бу сериаллар оилаларнинг бузилишига, одамларнинг бир-биридан узоқлашишига, эркек-

сиз кунларда унинг ёнида қолмайдми. Ақсинча, бир неча кун ўтиб, унинг ўзини аҳмоққа чиқаради. “Фариштадек аёлидан, гулдек фарзандларидан ажрашиб, хор бўлиб юришини кўринг” дея, устидан қулишади.

Экранда тасвирланаётган ҳар қандай иллюзиялар аёлга нисбатан ҳурматсизлик келтириб чиқаришининг ўзиёқ жамиятда жаҳолат ошишига олиб келмоқда. Бу мантиқсиз сериаллар дахшатли офат кабидир! Бир нечта сериалчиларни моддий бойи-таётган бундай намоийшлар бузғунчи жодугар каби бахтли оилаларга тажовуз қилиб, кўпинча ёвуз ниятига етмоқда. Бу ерда унга инсоннинг илмсизлиги, заиф нуқтаи назари, саводи ҳаминқадарлиги қўл келмоқда. Оилани бахтсиз қиладиган, оналар ва болаларга бефарқ бўладиган жоҳил қарашларни енгиси қийин эмас. Бунинг учун халқни маърифат билан тарбиялаш, керакли ки-тобларни ўқишни таъминлаш ва бетутуриқ сериаллар намоийшини тўхтатиш керак.

Асосан, сериаллар инсон қалбининг энг тўб қатламларига бориб тақалиб, ундаги меҳр тушунчасини қарға, ҳаёни беҳаёликка, бардошни бетоқатликка, қаноатни жиизақилликка алмаштиришга хизмат қилмоқда.

Инсон ички дунёсининг бузилиши зулматга бошлайди. Эрнинг ички дунёсидаги жарликка энг биринчи бўлиб унинг аёли ва болалари қулайди. Ва бу ўпқон бора-бора эркекнинг ўзини ҳам қомига тортади.

Токи бундай сериаллар намоийши барҳам топмас экан, томошабиннинг ички дунёсидаги бетартиблик, бошбошдоқлик йўқолмас экан, инсон инсонийликдан йироқлашаверади. Оилаларда бахтсизлик, беҳаловатлик, умидсизлик, таркидунёчилик кўпаяди. Огоҳ бўлайлик, бу сериаллар ҳар кун хонадонимизга бостириб кирмоқда, орамизда яшамоқда. Бизга қарши юзма-юз турибди... Бу эртага бахт ва бахтсизлик, ҳаёт ва мамонтнинг тўқнашуви бўлади. Бу сериаллар давом этар экан, олдимизда қаттиқ ва оғир имтиҳонлар бор.

Бугун пул учун оқибатини ўйламасдан ҳар қандай сериални су-ратга олишга тайёр ўша “ижодкорлар”га бир саволимиз бор: сиз Шарқ аёлининг табарруқ бошига Фарб беҳаёликлари ҳақидаги тухмат мағзаваларини ағдаришни қачон бас қиласиз? Ўз манфаатингиз йўлида ақл, қалб, севги ва садоқатга таянадиган АЁЛ деган улуг номни беқадр қилишга нима ҳақингиз бор?

Ҳар бир аёл қалбиди оналаргагина берилган муқаддас қадриятлар яшайди. Унутмайлик!

Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
«Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси.



АЙТЖАН ХАЛМАХАНОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Хорватия пойтахти Загреб шаҳрида ўтган спорт курашлари бўйича жаҳон чемпионати юртдошларимиз учун муваффақиятли якунланди. Мусобақанинг юнон-рум кураши баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Айтжан Халмаханов олтин медални қўлга киритди.

Эътиборли-си, А. Халмаханов 24 йиллик танаффусдан кейин ушбу спорт тури бўйича жаҳон чемпиони бўлган ilk полвонимизга айланди. 63 килограммгача вазн тоифасида баҳс олиб борган ҳамюртимиз ҳал қилувчи беллашувда Жанубий корейлик Чунг Хан-Жаени мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон терма жамоаси эса мазкур жаҳон биринчилигида жами 5 та — 1 тадан олтин ва кумуш, 3 та бронза медалларини жамғаришга эришди.

Алишер Ганиев юнон-рум курашининг 60 килограммгача вазн беллашувларининг финал учрашувида кумуш медал билан қифоланди. Шунингдек, Абдулло Алиев, эркин курашчиларимиз Умиджон Жалолов ва Фуломжон Абдуллаев ҳам бронза медални қўлга киритди.

Футзал: ИККИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Шу кунларда қитъамизнинг барча минтақасида футбол бўйича “Осиё кубоги — 2026”га чиқиш учун саралаш мусобақаси ташкил этилмоқда. 8 та гуруҳдаги ўйинларга 8 мамлакат мезбонлик қилаётди.



Ўзбекистон терма жамоаси “F” гуруҳи доирасидаги ўз ўйинларини Қирғиз Республикаси майдонида ўтказаяпти. Дастлаб футболчиларимиз Фаластин терма жамоасига қарши баҳсда йирик — 7:1 ҳисобда ғалаба қозонди. Ўйинда Акбар Усмонов (3 та гол), Муҳаммадвали Хусанбоев, Музаффар Аҳаджонов, Хусниддин Нишонов, Илхомжон Ҳамроев рақиб дарвозасини ишғол қилди. Кеча 2-тур доирасида юртдошларимиз Шарқий Тимор вакиллари билан тўқнаш келиб, 7:1 ҳисобда зафар қучди. Энди сўнгги турда Ўзбекистон ва Қирғиз Республикаси футболчилари биринчи ўрин эгасини аниқлаш учун ўзаро куч сынашади.

Саралаш форматига кўра, гуруҳлар ғолиби (8 та жамоа) ва энг яхши 7 та иккинчи ўрин эгалари Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма олади. Мусобақа келаси йилнинг 27 январь — 7 февраль кунлари Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилади.

Байдарка ва каноэ: «ГУБЕРНАТОР КУБОГИ»ДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК

17 — 22 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Приморье ўлкасида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича “Губернатор кубоги” мусобақаси бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Беларус, Хитой, Филиппин, Ўзбекистон ва Тожикистондан келган эшак эшувчилар куч сынашди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мусобақада муваффақиятли қатнашиб, якунда 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалларини қўлга киритди. Рустам Холмаматов “С-1” дастурида олтин медал учун баҳсларда барча рақибини ортда қолдирди. Азиз Ҳасанов/Заррух Рустамов ва Азиз Жалолов/Ярослав Словогородский жуфтликлари “С-2” йуналишида кумуш, Рустам Холмаматов/Заррух Рустамов бронза медаллари билан тақдирланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

РЕКЛАМА

2025-yil 16-sentabrdan e'tiboran
“O'zmeliomashlizing” MChJning mulkchilik shakli
“O'zmeliomashlizing” davlat unitar korxonasidan
“O'zmeliomashlizing” mas'uliyati cheklangan jamiyatiga
o'zgarganligi haqida barcha manfaatdor shaxslarni
xabardor qiladi.

Tashkilotning barcha aloqa ma'lumotlari saqlanadi.
Savollar bo'yicha 78-150-36-06 telefon raqami
yoki “info@uzmmi.uz” elektron manziliga
murojaat qilishingiz mumkin.

Hurmat bilan,
“O'zmeliomashlizing” MChJ rahbariyati.

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан
ташқиллаштирилган кўчас мулклар ва уларга бўлган
хуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги
ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O'zsapoatqurilishbank” АТБ балансида
бўлган:**

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, “Деҳқонобод” МФЙ, Ўзбекистон
кўчаси, 66-уйда жойлашган молхона биноси ва иссиқхона сотилади.
Бошланғич баҳоси: 1 927 130 000 сўм.

Сотиш шарти: 5 йил муддатга бошланғич 10 фоиз тўлов, йиллик 7 фоиз
устама ҳақ тўлаш шарти билан, график (аннунтет) тўлаш шарти асосида.
Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz”
платформаси орқали ариза бериши мумкин.

Call-марказ: +99855-517-22-20, расмий сайт: www.e-rieltor.uz

Ўзбекистон Янги йилда россияликлар саёҳат қилиши мумкин бўлган «ТОП — 5» йўналишига кирди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусxada босилди,
ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИНГ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИ ҚУЛҚ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОННИНГ ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **КОПИЯТИ** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратта келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер маркада терилди ҳамда оператор
А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 13.00 Топширилди — 13.15 1 2 3 4 5 6